



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 9 феврал
Чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 28 (2325)

КАМОЛОТ КАЪБАСИ

Истиклолнинг илк кунларида
Президентимиз Навоий номи Миллий
боғни шундай таърифлаганди

Ўзининг бебаҳо ва ўлмас асарлари билан бутун дунёга танилган, жаҳон адабиёти, маданияти, маърифати ва маънавиятига улкан ҳисса қўшган буюк шoir бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари мангуликка дахлдор эродир. Ул зоти шарифнинг нафақат қаламидан тўкилган асарлари, шу билан бирга давлат арбоби сифатида амалга оширган ишлари: туркий тил қадрини баланду шарафли айлаб, унга юксак маком беришгани, эл-юрт фаровонлиги, ободончилиги йўлида қайишгани, халқпарварлиги биз — авлодлар учун ибрат, намуна мактабидир. Афсуски, биз буни англайди кечикаялмиз ёки бирор туртки сезмагунча ташаббус қўрсатини у ёқда турсин, ўйлаш ва фикр юритишда ҳам оғирлик қилмакдаими.

Иккинчи чакриқ республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз сўзларини тинглаб эканман, доқдод ва бефаровонимизга, тайёр нарсани мамлакат чекмасдан қабул қилиши оdatига кўникиб қолганимизга яна бир бор амин бўладим.

Бундан салкам 9 йил муқаддам — 1991 йилнинг 28 сентябрида Юртбошимиз Тошкент шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ва миллий боғининг очиш маросимига сўзлаган нутқидан шундай деган эди:

«Бунда мен халқимизнинг ўз улуг фарзандига бўлган улкан меҳр-оқибатини кўраман. Алишер Навоий юртин, дёнрени кўркам ҳосилдор боғлар оғушида кўришни орзу қилар эди...»

Бу ер йиллар, асрлар давомида катта халқ тантаналари, қарияларимиз, ёш авлодимизга, халқимизга малҳам, руҳий мадад берадиган севимли ва мароқли бир оромгоҳга айланади, деган умидим бор. У ижод аҳли учун илҳом маскани ва камолот каъбасига айлиниб кетса, ажаб эмас».

Чиндан ҳам ўтган вақт мобайнида Навоий ҳайкали ва миллий боғ гўзал зиёратгоҳга айланди. Халқимизга Хурлик, Эркинлик ва Озодлик олиб келган Мустақиллик тантаналари, қадим ва ҳақиқий навқирон Наврўз шодиёнчалари ушбу масканда ўтказилди. Оила қуриб, катта ҳоётга илк бор қадам қўётган ёшлар — келин-куёвлар, юртимизга таъриф буюрган хорижликлар аримайди бу ердан. Республика миқёсда турли кўргазмалар, тadbирлар уюштирилади. Айниқса, ҳар йили 9 февралда улкан тўйхона тусини олади бу боғ. Каттаю кичик қўлида гул, дилда яхши ният, пок тил билан таъриф буюради. Шерҳонлик, газалхонлик бошланди. Буларнинг барчаси яхши, нур устига аъло нур. Мени ташвишлантирадигани бошқа нарса. Дейлик, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликда ойда бир марта ҳайкал атрофида талабалар ва ўқувчилар учун очик дарс, мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун энгиллаштирилган дарс ёхуд сайр ташкил этиш мумкин эмаслиги? Ўзбек кино ва театр санъатининг олтин фондига айланган «Алишер Навоий» кинофильми ва шу номдаги спектакли номайиш этишини йўлга қўйиш, улардан дарс давомида фойдаланиш, газаллари билан айтаилган қўшиқлар видеоальбомини тузиш, ўрта мактабларда Навоий ижодини ўқитишни тубдан ислоҳ қилиш ва исчилик мўкамал тизимини яратиш биз учун ҳам фoрз, ҳам қарзмаслиги? Шoir номи билан аталдиган биргина Адабиёт музейининг ўзида жуда катта ишлар қилиш мумкин эди. Назаримда, биз аждодларимиз билан кўпроқ фахрланамиз, аксар халқларда ўзимиз ҳам уларга муносиб бўлишини кераклигини унутиб қўяётган-декимиз. Тўғри, бу соҳада анча-мунча харақатлар бўлди, маълум тadbирлар қўрилди. Лекин улар денгиздан томчи.


Яқинда бир адабиёт муаллими билан суҳбатлашишга тўғри келиб қолди. Мазкур суҳбатдан сўнг бир неча кунгача кўнглим оғриб, ўзимга келолмай юрдим. Муаллим Навоийнинг лоақал бирорта газалини ҳам ёддан билмас экан. Хотираси чорчоб қолганимиз. «Ўрта мактаб дарс режасига Навоий асарларида маънавийтавзув киритилганини, сиз бу тўғрида қандай дарс ўтган бўлардингиз?» — деган саволимга, адабиёт дарсига маънавиятни қориштириб нима қиламан, деб қўя қолди. Мен эса унинг «адабиёт — энг гўзал маънавият» дейишини кутганим ва жуда-жуда хоҳлагандим. Тан олиш керакки, собиқ шўролар замонини халқимизни тарихини унуттиришга, унга ўз нуктани назаридан ёндошишга маҳкум қилди, тарихимизга турли ёлгон-ялтиқлардан иборат қўшимчалар, тўзатишлар киритди, ақ доғлар қолдирди. Халқимиз ўз тарихи, қадрияти, урф-одатлари, асрий моданияти ва маънавиятини ўзгалар буй-

руғи ва кўрсатмаси асосида ўрганишга мажбур бўлди. Буюк ўтимишимиз инкор этилди ёки тан олинмади. Ўзигини таниган, халқини эъзозлаган кишиларимиз, зиёлиларимиз «миллатчи», «халқ душмани» тамғаси билан қатли омга дучор этилди. Улугларимизнинг битиклари йўқ қилингани етмагандай, уларнинг қабрларини-да оёқ ости қилишгача борилди, осори-атиқаларимиз талон-торож бўлди. Шўқрки, мустақиллик туфайли асл миллий маънавиятимизга қайта бошладик. Наҳотки, муаллим шуларни ҳис қилмасча, ҳеч бўлмаганда тушунамаса? Юртбошимизнинг «Ўзэкспоноркоз»даги академик лицей ва касб-хунор коллежи намунали ўқув хоналари кўргазмаси билан танишайти: «Навоий ижоди ўзбеклар учун катта бойлик. Навоий ижодини ким биллади? Менинг фикримча, адабиётчилар биллади. Улар ҳам тор маънода билишадими... Нега? Негаки, кўп эски сўзларни тушунашмайди. Нима қилиш керак? Тақлифим, Навоий меросини ўрганишга мактаб ёшидан киришиш керак», — деб куйиб-пишиб гапиргани ҳар биримизни безовта айлаб туриши кераклигига имон келтирдим.

Иккинчи чакриқ республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ислам Каримов Навоий асарларини чўқур ўрганиш, унинг иззатини жойига қўйиш бораборида миллий маънавиятимизни яна ҳам юксалтириш боросида ажойиб фикрлар билдирди. Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий ўзбек халқининг фаҳри, гурури, боқий маънавиятидир. Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таъбирича, Темур тиғи етмаган ерни қалам билан олган Алишер — ҳазрат бобомиз ҳар қанча эъзозу ордоққа муносиб. Унинг бебаҳо ижодида бугун янгича тафаккур ва янгича руҳ билан ёндошмоғимиз лозим. Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номи Шaрқшунослик ва Қўлғезмалар институтларида сақланаётган асарларини ўрганиш, нашрга тайёрлаш (хорижликлар ва ўзимиз учун алоҳида) асарларининг изоҳли лугатини чиқариши гуруҳи тузиш лозим. Халқаро «Олтин мерос» жомғираси орқали чет элларда Навоий асарлари сотиладиган китоб дўконлари очиш, ўрта мактабларда, олий ўқув юрталарининг филология факультетларида Навоий ижодини ўрганиш қайтадан кўриб чиқиши ва янги достур тузилиши мақсадга мувофиқ. Ойбекнинг «Навоий» романини бугунги кўпчилик ёшлар билмайдди. Мазкур асарни чиройли муқова ва безаклар билан қайта нашр этиш, ўрта мактаб адабиёт муаллипларининг аттестациядан ўтказиш, таниқли навоийшунос олимларнинг бир ойда бир марта ўрта мактабда дарс ўтишларини таъминлаш, Миллий университет қошида вилоят университетлари филология факультети ва ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш истиклол туфайли ўзбек навоийшунослиги тизими яратилишига катта ёрдам беради.

Бугун Навоийнинг 559 йиллиги нишонланадиган 9 феврал куни республикадаги барча ўрта мактабларда биринчи дарс «Навоий дарси» бўлади. Бу хушхабар мустоқил юртимизда маънавият ва маърифат давлат тараққиётининг устувор йўналиши даражасига кўтарилганини, ўзбек халқи қисқа вақт ичида ўзининг тарихий-маънавий хотирасини тўла маънода қайта тиклаш олганлигиндан далолатдир. Зеро, миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми — Алишер Навоий ижоди ўзбек адабиётининг меъроҳидир. Илоҳим, ана шу кутлуг даргоҳда дохил бўлмоқлик ҳар биримизга насиб айласан.

Гулчеҳра Йўлдошева,
«Халқ сўзи» мухбири.



ТЕХНИКА — ДЕХКОН ҚАНОТИ

Норинликлар «Техника — деҳқон қаноти» деган нақша амал қилишда ва ҳеч қачон доғда қолмайди. Қишлоқ хўжалик меҳнатчиларини асраб-авайлашни ва улардан самарали фойдаланишни боис туман пахтакорлари ҳар йили йиллик режани нафақат вилоятда, балки республикада биричиликлардан бўлиб ўдбалашади. Бу йил ҳам туман меҳнат-кашлари баҳорги экин-тикин маъ-

сумига нуста ҳозирлик қўришди. Маеврўд қишлоқ хўжалик техника ва механизмлари мудоабидан анча олдин таъмирдан чиқарилди. Чизел, барана, экин агрегатлари эса алақондан сарт қилинча келтириб қўйилган. Бу ишларда А. Шамсидинов номидаги жамоа хўжалиги деҳқонлари барчага намуна бўлишмоқда. Утган йили улар 750 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 ўрни-

га 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олди. Бу йил эса 45 центнери қўлаб туришди. Бунинг учун хўжаликда барча имкониятлар етарли.

СУРАТДА: А. Шамсидинов номидаги жамоа хўжалигининг илгор механизатори М. Рўзтаев бoҳорги экин-тикин ишларини йиғиштириб била кутмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Шу кунларда мамлакатимизда Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи бошқаруви раиси Райнхольд Фестге бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

Германиялик ишбилармонларнинг уч кунлик таърифи Ўзро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги яна бир имконият, дейиш мумкин. Бу таърифдан икки мамлакат манфаатларини қамровчи кўпгина мақсадлар кўзда тутилган.

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида дастлаб икки мамлакат ишбилармон донорлари вакиллари ўртасида дaвра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

ри А.Исаев ҳамда мамлакатимиздаги қатор корхона ва илгор раҳбарлари иштирок этиди. Тoмонлар ҳамкорлик алоқаларини янада кунгайтириш, жумладан, машинасозлик, тоғ-кон ва металлургия, қурилиш санoати каби соҳаларда шерикликни ривожлантириш имкониятларини кўп эканлиги таъкидланди.

— Биз Ўзбекистонга қурилиш ҳамда тоғ-кон санoатида ишлаштирадиган технологиялар келтирмоқчимиз, — деди немис делегацияси раҳбари Р.Фестге. — Ўз таърибимизни ўзбекистонлик

ҳамкорларимиз билан бирга баҳам қуриш ҳамда бойлигини ниҳтилади. Ўзбекистонда Германия машинасозлик бирилланишининг бюросини ташкил қилишдан кўзланган мақсад ҳам шу. Уйлайманки, ушбу бюро икки мамлакат иқтисодий алоқалари ривожига ҳисса қўшадиган яна бир ишончли ва мустақкам омилига айланади. Яна бир ниятимиз, келгусида ўзбекистонлик ишбилармонлар Германияда малака ва таъриб олаш. Биз бунинг учун барча керакли шарт-шароитни ҳозирлашга тайёримиз.

Ўз навбатида Ўзбекистон томонидан ҳам Германия машинасозлигига кучли қизиқиш билан

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЙТИ?

Жиззах вилояти ҳокимлигида яна шу масалаларга бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарган ушбу анжуманда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича ижобий натижалар кўлга киритилган бўлса-да, махсуслот етиштирувчи хўжалиқлар, фермерлар билан тайёрлов корхоналари, сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида имзоланган шартномалар шартлари ҳамма жойда ҳам тўлиқ бажарилмагани қайд этилди. Йилгиликда тегишли назорат идораларининг эътибори бу борғалага қамчилдикиларни бағтираф этиш зарурлигига қаратилди.

Йўлчи Жўра,
ЎзА мухбири.

КУШХАБАР

Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида АКШ билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўрта Осиё марказий уручилик компанияси иш бошлади. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган пахтачиликни ривожлантириш лойиҳаси доира-сидаги олтинчи қўшма корхонадир.

Бундан 7-8 йил муқаддам Қизилтепа туманидаги «Агроқонизмаст» бирлашмаси ташаббуси билан лимонарий ташкил этилган эди. Иссқхона шароитида етиштирилган лимонлар кўпчилигини қизқитириб қолди. Бирин-кетин «Тавонис», «Деҳқонбод», Қ.Қобилов номи, «Ўзбекистон» хўжалиқлари ва «Зилола» маиший хизмат ҳамда

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Ишни замонавий технология асосида ташкил этган мазкур корхонанинг афзаллиги шундаки, бу ерда пахтага қайта ишланиши билан бирга, чигит мултақо янги усулда сараланади. Шунга ҳам айтиш керакки, келгусида бу ерда тайёрлан-

ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАЪЛИМ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидега Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида мамлакатнинг таълим соҳасини тақомиллаштириш боросида қўрилган масалаларга бағишланган йилгилик бўлди.

Йилгиликда республиканин олий ва ўрта махсус ўқув юрталари раҳбарлари қатнашди. Йилгилик иштирокчилари Олий Мажлис сессиясида мамлакатнинг таълим соҳаси олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш йўлиларини белгилаб олди. Жумладан, ўқув жараёнини тақомиллаштириш, республикада амалга оширилаётган бозор ислохотларини, шунингдек, тегишли қонунчилик ҳужжатларини чўқур ўрганишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Йилгиликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голлишев сўзга чиқди.

(ЎзА).

ТОШБУЛОҚ ТОЛАСИГА ТАЛАБ КАТТА

Наманган туманидаги «Тошбулоқтола» ҳиссадорлик жамиятининг хориждаги буюртмачилари сафи кенгаймоқда. Корхона янги мавсум бошлангандан буюн Голландия, Россия, Швейцария, Италия сингари мамлакатларга 3500 тоннага яқин юқори сифатли тала экспорт қилди. Эндиликда Тошбулоқ тамғаси билан чиқарилаётган махсуслотта латвиялик тўқимачилар ҳам харидор бўлишди. Яқинда мазкур мамлакат санoатчиларига дастлабки туркум хомаша жўнатилади.

Тошбулоқлик пахта тозаловчилар масумда 7000 тонна тала тайёрлашга аҳд қилишган. Унинг 95 фоизи хорижлик буюртмачиларга жўнатилади.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР ГУЗАРДА 15 ТА ХИЗМАТ ТУРИ

«Қуш» хусусий корхонаси «Бизнес фонд»дан икки миллион қўр сураб янги эди. Мақсад — ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти Қумқўрғон туманидаги «Қорқосқо» маҳалласида қурилган бежирми гузарга мавқалаштирилди. Корқосқо ошамачи — қизилқоч. Бир замонас улар юқори илдорлардан бирини, қишлоғимизга музикали драма театри қуриб беришларининг суғайиш, деб хат битилган, хатто.

Лекин қўрғондан драматеатр биносидан кўркам маҳалла гузарни қад ростирилганидан қорқосқодининг биносидан кенгайтириш, бу ерда 15 та хизмат кўрсатиш нуқтии ишлаб туриш: қишлоқларга чойхона, расмхона, дорихона, бозор, сар-тарошхона, нон ва қандолат цехи, яна ичимликлар, бичиш-тичиш цехи.

Корхона ташкилотининг Ёрўб Темуров энди пахта ва журиал сопиладиган дўкон, китоб маъини очини нияти борлигини айтиб қолди. Қишлоқ ешларининг спорт мусобақаларини уюштиришга хўбройлик қилишни ҳам режалаштиришмоқда.

О.УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: Нега? Нега?? Нега???

Ҳайда шундай ҳолатлар бўладики, ҳамманинг кўз унгида яқош қўришиб турган қамчилик, номунаво-сублик беҳишёр «Нега энди шундай?» деган саволини қўйишга мажбур қилади. Агар ўша ҳодисадан жигибирон бўлсангиз, «Нега?» деган саволини устма-уст бeрасиз.

Сўроқ қўйилгани, унга жавоб ҳам талаб қилинади. Агар биз масала моҳиятини тўғри белгилла билсак, саволини урили қўйсак, жамоатчилик эътибори жалб этилади. Шундай эзгу мақсадлар билан «Халқ сўзи» саҳифаларида «Нега? Нега?? Нега???» руқнини жорий этилди. Уйлаймики, жамоатчилик назоратининг яна бир ифодаси шаклланишида газетхонларимиз фаол иштирок этадилар.

(Янги руқн остидаги материалларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

КЕЧКИ СОЯ

Ёхуд Ромитан тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари Мухтарама Шарипова танлаган эгри йўл ҳусусида

«Конун — майда пашшлар илтиби, йириклари кутулиб кетадиган тўр эмас», — XVIII асрда яшаб ижод қилган жаҳон мумтоз адабиётининг буюк намояндасидан бири, атоқли француз адиби Оноре де Бальзак айтган ушбу нақлнинг нақдлар ҳаётийлигини англаш у қадар мушкул эмас. Зеро, қонун барча учун баробардир.

Мухтарама Шарипова Ромитан туман ҳокимлигига иқтисодий ва статистика бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасида иш бошлаб, бир қадар мавқега эришгач, имтиёз — қонуннинг ашаддий душмани эканлигини унутди. Эҳтимол, назарида бул лавозим унга хечқис эрк манбан бўлиб кўрингандир. Лекин унинг маълумот даражаси бунга имкон бермасди. Афсуски, Мухтарама Қўмова ўз истагидан кечолмади. Унга етиштиш учун қинғир йўлни танлади. Лекин инсон ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб иллатларга берилиб кетадими, оқибат-натияжада ҳаётнинг нопок йўлларида юришга олатганиб қолади.

Фельетон ўрнида

малардан бири П. Бомарше: «Табиат аёлга шундай дейди: улдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо иарокли бўлишинг шарт», деганда минг бор ҳақ эди.

Бу аёл-чи? У шахсий манфат йўлида ўзининг қимлигини ҳам, қонунни ҳам унутди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси, 2-қисми, «Б» банди ва 3-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этди. Яхшики, унга вақтида барҳам берилди. Акс ҳолда аёл бўла туриб шундай нопокликка қўл урган шахс яна бундан-да баттар қонунбузарликларга қўл урмаслигига ким қаролат бера олади. Чунки алдаётган одам елкасида қандай оғир юк борлигини ўйламайди. Бир бор ёлгон гапирдим, уни умрининг охиригача давом эттиришга маҳкумдир. Сабаби — у биринчи ёлгонни яшириш учун сон-саноксиз ёлгонлар тўқишга мажбур бўлади.

рилан зарарни фақат жамиятни ушлаб туривчи асосий мезонларга болта уриш дебгина баҳолаш мумкин. Ахир, бу хатти-ҳаракат кишилар онгида, жамиятда бирон-бир мавқега эга бўлган киши ўз мақсадига етишиш учун ҳар қандай қонунни четлаб ўтиши мумкин, деган тушунча уйғотмайди?! Қолаверса, ўша афродегалар, хусусан, туман ҳокимлиги раҳбарлари Мухтарама Шарипованинг ҳеч қандай олий ўқув юртида тахсил олмаганидан бе-хабар эдиларми?! Ёхуд, Мухтарама Шарипова ушбу қаллобликлари билан шу номзодни тасдиқлаган Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда Макроиқтисодий ва статистика вазирлигини ҳам алдаганликларини англаб етмадиларми?! Бу уларнинг виждонларига ҳавола, албатта.

М. Шарипова тергов давомида қалбаки дипломдан фойдаланиб, жинийий иш содир қилганлигини тушунганлигини, бу қилмишдан пушаймон бўлиб, бундан кейини шундай ҳатоний зинҳор тақорламалигини билдирди, оилавий шароитини инобат олиб, қонуний енгиллик берилишини сўради. Лекин начора, оқибати қандай бўлишини ўйламай жиноятга қўл урган ҳар қандай киши нечоғли пушаймонлигидан қатъий назар, қонун олдига жазосини олиши шарт.

Биз эса, мақоламаизни француз ёзувчиси Э. Сенанкурнинг қуйидаги доно сўзлари билан якуласан: «Кўкка ларвоз қилмоқчи бўлган одам кечки соғта ухшаб бир соат иччилёқ уяйиб, ўз эгасидан катталашиб кетадиган гўё хиралашгани сари чўзилаётганга ўхшайди-да, бир даққадан сўнг қарасан — йўқ».

Мамасоли ҲАЙДАРОВ,
Ромитан тумани прокурори, биринчи даражали юрист,
Ҳожинакбар ШАЙХОВ,
ёзувчи.

Антибиотиклар ишлаб чиқарувчилар пешқадами — «ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚҚ

Барча дорихона, шифрохоналарга

Янги йил совғаси

«ГУФИК-АВИЦЕННА» ҚҚ
2000 йилнинг 1 январидан 31 мартгача ўз дору-дармонларини консигнация шартларида сотишни йўлга қўйди.

Шартномаларни қўйидаги манзил бўйича тузиш мумкин:
"Гуфик-Авиценна", Бухоро ш., Тел.: (3652) 26-17-30, 26-47-41, 26-14-11.
"Гуфик АТД", Тошкент ш., Тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29.



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Иқтисодий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Хуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 106, 27017 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II™ компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томондан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Набатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Набатчи — Я. ҚУЧҚОРОВ.
Мусахҳас — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириш вақти — 21.00
1 2 3 4 5 6

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича Наманган вилояти филиали Наманган вилоят капитал қурилиш бошқармаси номидан Наманган вилоятида 2000 йилда, давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан қайта тазмирланадиган (реконструкция)

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ
ва янги қуриладиган

ҚИШЛОҚ ДАВОЛАШ ПУНКТЛАРИ

объектлари бўйича пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил қилади ва ўтказди.
Тендерлар қуйидаги объектларга ўтказилади.

№	Иншоот номи ва манзили	Қуввати ўқув/ётоқ
1	Наманган туманидаги касб-хунар коллежи (бизнес мактаб)	600/150
2	Норин туманидаги касб-хунар коллежи (9-КҲБЮ)	600/150
3	Наманган шаҳридаги касб-хунар коллежи (муסיқа билим юрти)	400/200
4	Уйчи туманидаги касб-хунар коллежи (бизнес мактаб)	750/200
5	Чортоқ туманидаги касб-хунар коллежи (лицей)	600/400
6	Поп туманидаги касб-хунар коллежи (36-КҲБЮ)	600/100
7	Косонсой туманидаги касб-хунар коллежи (14-КҲБЮ)	600/300
8	Давлатобод туманидаги касб-хунар коллежи (тўқимачилик билим юрти)	1050/400
9	Турақўрғон туманидаги касб-хунар коллежи (агроиқтисодиёт коллежи)	750/200
10	Учқўрғон туманидаги касб-хунар коллежи (иқтисодиёт ва таълим коллежи)	750/200
11	Янгиқўрғон туманидаги касб-хунар коллежи (агроиқтисодиёт техникуми)	600/100
12	Чуст шаҳридаги касб-хунар коллежи (N 15 мактаб)	600/200

1	Норин тумани Чўжа «Қишлоқ даволаш пункти»	50 қатнов
2	Давлатобод туманидаги Иттифоқ «Қишлоқ даволаш пункти»	50 қатнов
3	Турақўрғон туманидаги «Қишлоқ даволаш пункти»	50 қатнов
4	Поп туманидаги Санг «Қишлоқ даволаш пункти»	50 қатнов

Юқоридаги объектларнинг тендер ҳужжатларини пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича Наманган вилоят филиалидан олишингиз мумкин

Манзилгоҳ: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.
(«Матбуот уйи» биноси 4-қаватида)
Телефон: 8 (36922) 6-14-50

«ЎЗМЕТАЛЛСАВДО»
очиқ турдаги акциядорлик жамияти


Тел: (3712) 48-47-07, 48-37-24. Факс: 48-08-92.
Манзил: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 136.

ДИСТААР, ЭЛЕКТРОДАЛАР, ШВЕЛЛЕР, АРМАТУРА, КАНАТЛАР, АРРАЛАР, ПИЧОҚЛАР,

шунингдек: винтлар, шайбалар, тўрлар, сгонлар, фитинглар, отводлар, флюс, электр двигателлар, асбокартон, хусусий қозонлар, темир бетонлар учун конструкциялар, гул қозғоз, отверткалар тўплами, кранларни бутлаш эхтиёт қисмлари

шариннома баҳолари бўйича сотилмади.

ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ:
офис учун бино (евроремонт) мебел жиҳози билан.
Турли маҳсулотларни сақлаш учун ёпиқ ва очиқ омборхоналар (темир йўл шахобчаси мавжуд)



Исталган юкларни божхона сақлови юзасидан хизматлар кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

аҳоли кенг қатламлари учун энг замонавий тўлов воситаси бўлган —

СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ эгаларига ҳаёт ва саломатликни беғул сугурталаш имконини беради



- Карточка эгаларига йилига 35 фоиз тўланадиган (ҳар ойда капиталлаштирилган) омонатлар очилади.
- Энг кам қўйилма миқдори - 150 сўм.
- Карточканинг амал қилиш муддати - 7 йил.

Сўм пластик карточкалари супермаркетларда, дўконларда, машиий хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади, шунингдек, ҳисобварақ қайси жойда очилганидан қатъи назар, банкнинг исталган бўлим ёки филиалида пластик карточкалар бўйича нақд пул берилади.

Сўм пластик карточкаларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.
Мулоқот учун телефон: (371) 137-62-80.



Best Bank in Central Asia as recognised by EuroMoney



Тошкент Педиатрия медицина институтини таъмир этиш ва меҳнат жамоаси институтнинг кеска ходими, табиёт фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, ушбу катта ишчи.

Босиб **ОХУНЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғларига чуқур қайғу билан таъзия изҳор қилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «А» ўқув корпусининг комедант

Надежда **НОСОВА**нинг бевақ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошларига чуқур таъзия билдирди.

Ҳама театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гамбар Зокирова ва Жамшид Зокировларга волида мухтарамалари ва қайноналари **ШОҲИСТА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

М. Кориеқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси «Ўзбектеатр» иждоий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори Муҳаммадали Абдуқудировга оналари **БУВИНИСО** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

«Шойи» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси «Ўзбек ипаги» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Леонид Владимирович Пошта онаси

Нав-Хи **ПОЙИ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Пилла-Холдинг» акциядорлик холдинг компанияси бошқаруви ва жамоаси «Ўзбек ипаги» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Леонид Владимирович Пошта онаси

Нав-Хи **ПОЙИ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.